

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ



**СПЕЦВЫПУСК**

4-СЪЕЗД ПАТОЛОГОАНАТОМОВ  
УЗБЕКИСТАНА С МЕЖДУНАРОДНЫМ  
УЧАСТИЕМ, ПОСВЯЩЕННЫЙ 90-ЛЕТИЮ  
АКАДЕМИКА М.С. АБДУЛЛАХОДЖАЕВОЙ

**2022**

TOSHKENT

Вервекина Т.А., Магруппов Б.А., КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ИЗМЕНЕНИЙ ЖЕЛЧНОГО ПУЗЫРЯ ПРИ ЖЕЛЧНОКАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ

Жуманов З.Э., МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШ ПОСТМОРТАЛ ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДАГИ УЗУНЧОҚ МИЯ НЕРВ ВА ҚОН ТОМИР СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ЎЛИМ ВАҚТИНИ АНИҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Каплин А.Н., Павлова Т.В., COVID-19 ВО ВРЕМЯ БЕРЕМЕННОСТИ И ПАТОЛОГИЯ ПЛОДА

Нурханова Н.О., ГИПЕРПЛАСТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ ЭНДОМЕТРИЯ КАК ГЛАВНЫЙ ФАКТОР АМК В ПЕРИМENOПАУЗАЛЬНОМ ПЕРИОДЕ

Исраилов Р., Эргашева З.А., ЭЛЕКТРОННО-МИКРОСКОПИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ МИОКАРДА ПРИ COVID-19

Исраилов Р., Эргашева З.А., МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ПОРАЖЕНИЯ МИОКАРДА ПРИ COVID-19

Булгакова В.В., Доронина П.А., Раденска-Лоповок С.Г., ХРОНИЧЕСКИЙ АСЕПТИЧЕСКИЙ ОСТЕОМИЕЛИТ – МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ ПУТЬ К ДИАГНОСТИКЕ

Saxatalieva R.R., Isroilov R.I., Mamataliev A.R. SIYDIK PUFAGI LEYKOPLAKIYALARIDAGI MORFOLOGIK O'ZGARISHLAR

Тешев Ш.Ж., Олимова А.З., Саноев Б.А., СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПЕЧЕНИ ПРИ РАЗНЫХ ПЕРИОДАХ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ

Убайдуллаева В.У., Магруппов Б.А., СРАВНИТЕЛЬНЫЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ СЕРДЕЧНОЙ МЫШЦЫ У БОЛЬНЫХ, ПЕРЕНЕСШИХ АКШ И СТЕНТИРОВАНИЕ КОРОНАРНЫХ АРТЕРИЙ

Чориев Б.А., Хужманов У.М., Ниязов В.Н., Саидахмедов М.К., Примов Х.Н., ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОРАСИДА ТЎСАТДАН ЮРАК ЎЛИМИ САБАБЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАВСИФИ

Sharipova Sh.O., Mansurova M.X., Shukurov F.I., BEPUSHT AYOLLARDA ENDOMETRIY PATOLOGİYASINI TASHXISLASH VA DAVOLASHDA GISTEROSKOPIYANING O'RNI

Шукуров Ў.Э., ПРЕЭКЛАМПСИЯДА ТРАХЕОБРОНХИАЛ ВА МЕЗЕНТЕИАЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ МАЙДОНЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА МОРФОМЕТРИК КЎРСАТТИЧЛАРИ

Vervekina T.A., Magrupov B.A., CLINICAL AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHANGES IN THE GALL BLADDER IN CHOLELITHIASIS

Zhumanov Z.E., THE SIGNIFICANCE OF CHANGES IN THE NERVOUS AND VASCULAR STRUCTURES OF THE MEDULLA OBLONGATA AT DIFFERENT TIMES OF THE POST-MORTHER PERIOD OF MASSIVE BLOOD LOSS IN THE TIME OF DEATH

Kaplin A.N., Pavlova T.V., COVID-19 DURING PREGNANCY AND FETUS PATHOLOGY

Nurkhanova N.O., HYPERPLASTIC PROCESSES OF THE ENDOMETRIUM AS THE MAIN FACTOR OF AUB IN THE PERIMENOPAUSAL PERIOD

Israilov R., Ergasheva Z.A., COVID-19da MIOKARD TO'QIMASINING ELEKTRON – MIKROSKOPIK O'ZGARISHLARI

Israilov R., Ergasheva Z.A., MORPHOLOGICAL MANIFESTATIONS OF MYOCARDIAL LESION IN COVID-19

Bulgakova V.V. Doronina P.A., Radenska-Lopovok S.G., CHRONIC ASEPTIC OSTEOMYELITIS – A MORPHOLOGICAL PATH TO DIAGNOSIS

Sakhatalieva R.R., Isroilov R.I., Mamataliev A.R., MORPHOLOGICAL CHANGES IN LEUKOPLAKIA OF THE URINARY BLADDER

Teshaev Sh.Zh., Olimova A.Z., Sanoev B.A., COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF MORPHOLOGICAL INDICATORS OF THE LIVER IN DIFFERENT PERIODS OF CRANIO-BRAIN INJURY

Ubaidullaeva V.U., Magrupov B.A., COMPARATIVE MORPHOLOGICAL INDICATORS OF CARDIAC MUSCLE IN PATIENTS AFTER CABG AND CORONARY STENTING

Choriev B.A., Khujmanov U.M., Niyazov V.N., Saidakhmedov M.K., Primov Kh.N., FORENSIC DESCRIPTION OF THE CAUSES OF SUDDEN CARDIAC DEATH AMONG MILITARY SERVANTS

Sharipova Sh.O., Mansurova M.X., Shukurov F.I., THE ROLE OF HYSTEROSCOPY IN THE DIAGNOSIS AND TREATMENT OF ENDOMETRIAL PATHOLOGIES IN WOMEN WITH INFERTILITY

Shukurov O.E., COMPARATIVE MORPHOMETRIC INDICATORS OF TRACHEOBRONCHIAL AND MESENTETIAL LYMPH NODE MORPHOFUNCTIONAL AREAS IN PREECLAMPSIA

133

137

141

143

146

150

157

160

163

165

168

171

174

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОРАСИДА ТЎСАТДАН ЮРАК ҲИМНИ САБАБЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАВСИФИ

Чорнев Б.А., Хужманов У.М., Ниязов В.Н., Саидахмедов М.К., Примов Х.Н.

ЎР Қуроли Қучлари суд-тиббий экспертиза маркази

**Аннотация:** 2017-2022 йилларда ҳарбий хизматчилар орасида тўсатдан юрак ҳими қайд қилинган мурдалар суд-тиббий экспертизасини таҳлил қилишди. Аниқланишича, ҳарбий хизматчилар орасида тўсатдан юрак ҳимининг асосий сабаби юрак қон-томир тизимининг касалликларидир. Ҳарбий хизматчилар орасида тўсатдан юрак ҳимининг асосий механизми-аритмоген ҳолатдир. Ҳарбий хизматчилар орасида тўсатдан юрак ҳими ривожланишида қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади: жисмоний зўриқиш, психоэмоционал стресс ва бошқалар.

**Калит сўзлар:** тўсатдан юрак ҳими, хавф омиллари, ҳарбий хизматчилар, морфологик белгилар.

**Аннотация:** анализ причин внезапной сердечной смерти в целом на основе ретроспективного анализа судебно-медицинских вскрытий проведенных в течение 2017-2022 гг. Установлено, что одной из причин внезапной смерти у военнослужащих является патология сердечно-сосудистой системы. Основным механизмом внезапной сердечной смерти у военнослужащих-аритмогенный. Развитию способствуют провоцирующие факторы: физическая нагрузка и психоэмоциональный стресс.

**Ключевые слова:** внезапная сердечная смерть, факторы риска, военнослужащих, морфологические признаки.

### Abstract.

*Analysis of the causes of sudden cardiac death in general based on a retrospective analysis of forensic autopsies performed during 2017-2022. It has been established that one of the causes of sudden death in military personnel is the pathology of the cardiovascular system. The main mechanism of sudden cardiac death in military personnel is arrhythmogenic. Provoking factors contribute to development: physical activity and psycho-emotional stress.*

**Keywords:** sudden cardiac death, risk factors, servicemen, morphological features.

Суд-тиббий эксперт иш фаолиятида тўсатдан юрак ҳимини, унинг структураси, сабаблари ва морфологик белгиларини ўрганиш мураккаб ҳисобланади. Ҳарбий хизматчилар орасида (40 ёшгача) ривожланган тўсатдан юрак ҳими ҳолатларида ўлим сабабини аниқлаш мақсадида суд-тиббий экспертиза текшируви ўтказилади. Ҳарбий хизматчилар орасида кузатиладиган тўсатдан юрак ҳими ҳолатларида суд-тиббий экспертиза текширувлари ўзига хос услубий ёндашувни талаб этади, бунга юрак қон-томир тизимида атеросклеротик ўзгаришларнинг камлигидир. Тиббий адабиёт маълумотларига кўра, ҳарбий хизматчилар орасида учрайдиган тўсатдан юрак ҳимининг сабаблари сифатида миокарднинг турли патологиялари, миокардитлар, кардиомиопатиялар, ўткир тож томирлари етишмовчилиги, аорта стенози ва аорта аневризмасини ёрилиши кўрсатилган [3,4,8]. Текширувлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар орасида учрайдиган тўсатдан юрак ҳими юзага келишининг асосий механизми қоринчалар фибрилляцияси ёки асистолия ривожланиши билан кечадиган юрак ритмининг бузилишидир [2,5,6].

### Материал ва усуллар.

Сўнги 10 йилликда (2011-2022й.й) Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари суд-тиббий экспертиза марказида ўлим ҳолатлари бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертиза текширувлари солиштирма таҳлили ўтказилди. Текширув жараёнида антропометрик, гистологик, суд-кимёвий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

### Текширув натижалари:

Таҳлилга кўра, ўлим ҳолатларининг келиб чиқиш хусусиятига кўра, 79 (28,2%) ҳолатда нозўраки ўлим кузатилган. Ўлим ҳолатларининг касаллик синфлари бўйича таҳлилда 38 ҳолатда (48,1%) юрак қон-томир касалликлари кузатилди. Ёшлар орасида ўлим сабаби структурасида тўсатдан юрак ҳими муҳим ўринни эгаллаб, юрак қон-томир касалликларидан вафот этиш юқори кўрсаткичларни ташкил этмоқда. Улар орасида юрак ишемик касаллиги, ўткир қоранар етишмовчилик 10 та ҳолатда (26,3%), юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти 9 та ҳолатда (23,6%), юрак ишемик касаллиги, тўсат-

дан юракга оид ўлим 7 та ҳолатда (18,4%), кардиомиопатия 4 та ҳолатда (18,4%), миокардитлар 2 та ҳолатда (0,05%), юрак девори аневризмасининг ёрилиши 3 та ҳолатда (0,07%), ЮСИК 3 та ҳолатда (0,07%) кузатилди.

Суд-тиббий эксперт фаолиятида юрак ишемик касаллиги кўп учрайдиган патологиядан биридир. Бу гуруҳга ўткир тож-томирлари етишмовчилигини келтириб чиқарувчи касалликлар ва ҳолатлар киради. Бу касалликлар ва ҳолатлар қуйидагилар ҳисобланади: атеросклероз, юрак тож-томирлари спазми ва тромбози, гипо-апластик тож -томир, тож-томирларнинг бошқа туғма патологиялари, аортанинг ёрилиши, аортакоронар шунтлаш ва бошқалар. Ўткир тож томирлар етишмовчилигининг келиб чиқишига асосий сабаби бўлиб, кейинчалик қоринчалар фибрилляцияси ривожланиши билан кечадиган миокарднинг гипоксиясидир [1,5]. Юрак ишемик касаллиги тўсатдан юракга оид ўлим сабаби бўлган ҳолатларда клиник жиҳатдан ва инструментал текширувлар тиббий эксперт учун камроқ маълумот беради. Ўткир тож томирлари етишмовчилиги натижасида юз берган ўлим ҳолатларида мурданинг суд-тиббий текширувида юрак тож томирларида фиброз пиллакчалар, тромблар аниқланади. Гистологик текширувда ўткир ишемик ҳолат (гиперезинофилия, қон айланишининг бузилиши белгилари, миокардда шиш, кичик интрамурал артерияларда спазм ва плазматик шимилиш кузатиш мумкин бўлади [3,4,7].

Тўсатдан юракга оид ўлимга олиб келувчи сабаблардан яна бири бу турли кўринишдаги кардиомиопатиялардир. Суд-тиббий эксперт иш фаолиятида кўп учрайдиган турлари бу гипертрофик кардиомиопатиялар, дилатацион кардиомиопатиялар ва аритмоген кардиомиопатиялардир. Гипертрофик кардиомиопатиялар кардиомиопатиялар таснифига кўра саркомера (саркомиопатия) патологияси ҳисобланади. Тиббий адабиётлар маълумотида кўра, ҳар 1000 кишидан 2 тасида учрайди. 70-80% ҳолатларда гипертрофик кардиомиопатия қонинг чап қоринчадан чиқишининг бузилиши билан кечади. Гипертрофик кардиомиопатия аутопсия жараёнида қоринчаларо деворда асимметрик гипертрофия белгиларининг борлиги билан характерланади. Гистологик текширувда мушак толаларининг гипертрофияси ва кардиомиоцитлар дезорганизацияси кузатилади. Миокарднинг 15 мм. дан кўпроқ қалинлашиши патологик ҳисобланади. Суд-тиббий экспертнинг иш фаолиятида чап қоринчанинг физиологик ва патологик гипертрофияларини фарқлаш катта аҳамият касб

этади. Дунёнинг етакчи кардиологларининг фикрига кўра, спорт билан шугулланувчилар учун қуйидаги эхокардиографик кўрсаткичлар норманинг юқори кўрсаткичи ҳисобланади: эркаклар учун миокард қалинлиги 13 мм, чап қоринчанинг охириг диастолик ўлчами 65 мм, аёллар учун: 11 ва 60 мм. Бази ҳолатларда юракга оид тўсатдан ўлим ҳолатларида юрак аутопсиясида бирон бир макроскопик ва гистологик ўзгаришлар аниқланмайди. Бундай ҳолатларда юракга оид тўсатдан ўлим сабаби аритмия ёки юрак ўтказувчанлигининг бузилиши бўлиши мумкин. Юракга оид тўсатдан ўлим келиб чиқишининг асосий сабабларидан яна бири бу миокардитлардир. Миокардитларининг келиб чиқишига асосий сабаб вирусли инфекциялардир. Уларнинг клиник кечиши ҳар хил бўлиши мумкин. Суд-тиббий текширувда кардиомалгия белгилари, юрак бўшлиқларининг кенгайиши, чап қоринча деворининг қалинлашиши кузатилиб, гистологик текширувда сурункали миокардит белгилари кузатилади.

Хулоса. Шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда юракга оид тўсатдан ўлим юракнинг органик шикастланишининг бир кўринишидир. Кучли жисмоний зўриқишлар ва психозмоционал стресс ҳолатлари хавфли омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина давлатларда тўсатдан юракка оид ўлим ҳолатларини рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилган. Бу тизим тўсатдан юракка оид ўлим ҳолатларини қайд қилиш, фарқлаш, сабабларини ўрганиш, эрта ташхислаш стандартларини ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу чора-тадбирлар пировардда юракка оид тўсатдан ўлим ҳолатларининг кескин камайишига олиб келади. Бугунги кунда республикамизда суд-тиббий экспертлар ва патологоанатомлар бошчилигида тўсатдан юракка оид ўлим ҳолатларини ўрганувчи миллий тизим яратилиши лозимлиги вақт талабидир. Тизимнинг ишга тушиши ўз навбатида тўсатдан ўлим ҳолатларида суд-тиббий ва патологоанатомик ташхислаш алгоритмининг ишлаб чиқиш ва нозўраки ўлим ҳолатларида ўтказиладиган текширувларининг сифатини оширишга олиб келади.

#### Адабиётлар:

1. Кучмин А.Н., Резван В.В., Гаврюченков Д.В. Внезапная смерть военнослужащих, проходящих службу по контракту: проблемы и пути их решения // Воен.-мед. журн. – 2009. – Т. 330. – № 1. – С. 24–33.